



Тошкент — ўрта аср араб манбаларида эса Шош — тарих жараёнида кўплаб шоир ва адиблар, алломалар, риёзат ва табобат ахллари етиш-тирган. Ана шундай алломалардан бири Каффол аш-Шошийдир.

Каффол аш-Шошийнинг тўла исми Абу Бакр ибн Али Исмоил Каффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унинг хурматини бажо келтириш учун номига катга, улуг ё мухтарам маъносини ифодаладиган «ал-Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар. Бу билан ўтмишдошларимиз Каффол аш-Шошийга нисбатан буюк эҳтиромни ифода этганлар.

Каффол аш-Шоший хунарманд оилада дунёга келган кўринади. Шу сабабдан «Каффол» — кулфсоз деб машхур бўлган.

Каффол аш-Шоший асли кулфсоз уста бўлиб, кичик ва нозик кулфлар ясайдиган, кўли гул киши бўлган.

Аш-Шоший дастлабки таълимни ўз юртида, кейинчалик Марказий Осиёда мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарканд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезади. Бу ерларда ундан сал олдинроқ ўтган ва анчагина мерос қолдирган Имом Исмоил ал-Бухорий (810—870), Абу Исо Мухаммад ат-Термизий (824—892) каби йирик мутафаккир олимлар мероси билан танишади, улардан баҳраманд бўлади. У бир-мунча вақт Самаркандда яшаб, у ерда таълим олди. Каффол аш-Шоший каттик киришиб, фикхшуносликни ўрганади. Зеро бу фан мусулмон Шарқ ўлкаларида жуда кенг тарқалган ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу фанни эгаллаган кишилар ҳамма жойда кадрланар, уларга зарурат ҳам катга, чунки ижтимоий ҳаётда қонун-шуносликка талаб катга бўлиб туриши табиий эди. Каффол аш-Шоший фикх илмини эгаллаш билан бирга фикр доираси ўта кенг, фалсафа, мантик, адабиёт соҳаларини ҳам пухта эгаллаган, бу соҳаларда энг билимдонлар билан мунозара қила оладиган қудратга эга бўлган бир зот эди.

Каффол аш-Шоший доимо илм-маърифат истагида қўним топ-май, бир ўлкадан иккинчисига — илм чашмаларидан баҳраманд бўлиш ниятида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини кезади, Хижоз, Бағдод, Дамашк каби шаҳарларга боради, у ерларда замонасининг кўзга қўринган олимларидан илм-маърифат ўрганади.

Каффол аш-Шошийнинг устозларига қараб ҳам унинг билими, қандай фанларни ўрганганлигини билиш мумкин. Манбаларнинг кўрсатишича, Каффол аш-Шошийнинг

конуншунослик ва тарих соҳасидаги устози машхур олим ат-Табарий (839—923) эди. Маълум бўлишича, Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий мусулмон Шарк мамлакатларининг энг йирик тарихчиси бўлиб, кўп жилдлик асарлар муаллифи эди. Каффол аш-Шошийнинг иккинчи йирик устози Абул-Хасан Али ибн Абу Мусо ал-Ашъарий (873—941) эди. Бу киши Шарқда каломчилар оқимининг асосчиси бўлиб, бу соҳада анчагина асарлар ёзган эди. Аш-Ашъарий аслида ислом фалсафасида машхур бўлган ашъария оқими асосчиси саналади. Тожиддин Абу Наср Абдулваххоб ас-Субкийнинг (тутилган йили 1327) хабар беришича, «Каффол аш-Шоший олим ал-Ашъарийдан калом илмини ўрганар ва ўз навбатида ал-Ашъарий ундан конуншунослик соҳасини ўрганар экан».

Араб олими ва библиографи ибн Халликон (1211—1282) ўзининг «Вафоёт ал-аъён» («Улуг кишилар вафоти») деган асарида Каффол аш-Шоший хақида тўхтаб шуларни ёзади: «Каффол аш-Шоший ҳадис илмини билган, тилшунос, шоир одам эди. Ўша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ирок, Хижоз, Шом (Сурия) ва бошқа ўлкаларга саёҳат қилиб, ҳамма ерда ҳам ном таратди... у кишининг кўп асарлари бўлган».

Каффол аш-Шоший конуншунослик, мантик каби соҳаларга оид асар ёзган. Унинг «Одоб ал-кози» («козининг феъл-атвори»), «Одоб ал-бахс» («Бахс одоби») деган таълифи бўлиб, араб тилидаги шеърлари маълум. Бу хусусда юқорида зикр қилинган араб олими ибн Халликон ёзади: «конуншунослардан дастлаб отилиб чиқиб «Хусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») деган асар ёзган киши ҳам шу Каффол аш-Шоший эди». Каффол аш-Шоший яхши шоир ҳам бўлиб, ўз шеърларини араб тилида ёзган. Аммо унинг шеърий ижоди давримизгача етиб келмаган, фақатгина ас-Субхийнинг «Табакат аш-Шофиййа» («Шофиййа мазҳаби даражалари») деган китобда шеърларидан парчалар сакланиб қолган. Уша шеърларда шундай сатрлар ҳам бор: «Кимки уйимга меҳмон бўлиб келадиган бўлса, дастурхоним доимо унинг учун ёзилган бўлади. Кимки менинг дастурхонимдан бирор нарса еса, (билсинки) ундаги барча ноз-неъмат пешона терим билан топилган, (яъни) ҳалол бўлади. Биз бор-будимизни меҳмон олдига қўямиз. Бордию (қўйишга) нарса тополмасак, уҳолда сабзавот билан сирка қўямиз. Шунда бегараз, қўнгли очик одам бўлса, у бунга рози бўлиб қўнади; бордию бахил бўлса, у ҳолда уни мен тузата олмайман». Каффол аш-Шошийнинг конуншуносликка дойр асари давр тақозасига қўра ислом тарқалган мамлакатларда кенг қўламда ёйилди.

Каффол аш-Шошийнинг каламига мансуб бўлган шеърлар ас-Субхий асарига қириб қолган. Бу парчадан маълум бўлишича, Византия императори билан араб халифаси ўртасида жанжалли ёзишмалар бўлади. Бу ёзишмаларда Византия императори араб халифалигига дўк ва пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан, осонликча уларга қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмдорлари мактубни баландпарвоз чиқиши учун уни араб тилида шеър билан битадилар. Шеър хошимийлар ҳонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага деб аталган. Мактубда шундай сатрлар ҳам бор:

«Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашк ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз, Мисрни ҳам

киличимиз тиги билан эгаллаймиз. Хижоз, Багдод, Шероз, Рай, Хуросон, Куддус, Шарку гарб хаммасини эгаллаймиз», деб халифа ва унинг саркардаларига дагдага солади, уларни айёрлик билан кўрkitмокчи ва нихоят уларни осонликча кўлга киритмокчи бўлади. Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Каффол аш-Шоший Багдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иктидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина конуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди. Шу сабабдан Византия хукмдорининг лашкарбошиси Тагфур (араб манбаларида Такфур) хатига жавоб ёзиш халифалик номидан Каффол аш-Шошийга топширилади. Бу ҳам аллома аш-Шошийга нисбатан катта эҳтиром эди.

Каффол аш-Шоший мактубни ўкиб кўриб, ўша мактуб ёзилган шеър вазнида ва ўша тарздаги кофияда Тагфур номига араб тилида жавоб шеърини ёзади.

Византияликларга мана шу аш-Шоший ёзган жавоб хатининг етмиш тўрт байти (148 йўли) юкорида зикр килинган Тожддин ас-Субхийнинг «Табакат аш-Шофиййа» асари ичида сакланиб колган. Ас-Субхийнинг ёзишича, византияликлар, хусусан, унинг лашкарбошиси Тагфур аш-Шошийнинг бу жавоб шеърини ўкиб, дахшатга тушади. Сўнг лашкарбошилар бундан таажжубга тушиб, бир-бирларидан сўрашибди:

— Бу жавобни ёзган киши ким бўлди экан, у кайси юртдан экан, халифаликда биз бундай истеъдодли зот борлигини билмас эдик-ку?

Хуллас, Византия лашкарбошиларини Каффол аш-Шошийнинг дипломатия тарзида ёзилган жавоб мактуби эсанкиратиб кўяди. Воқеанинг нима билан тугашининг бугунги кунда ахамияти йўк, лекин бу биргина мисол оркали Каффол аш-Шошийнинг забардаст давлат арбоби, хозиржавоб шоир эканлиги маълум бўлади.

Каффол аш-Шоший шундай улугвор ва довюрак шоир, ажойиб бир шахе бўлган. Афсуски, унинг адиблик, шоирлик, тилшунослик, мантикшунослик фаолияти билан деярли ҳеч ким шугулланмади, унинг жадал диалектикага оид асари ҳам ўрганилган эмас.

Манбаларнинг кўрсатишича, багдодлик Хўжа Мухаммад Номий деган олим Каффол аш-Шоший кўлида ўкиган, натижада у билан калин дуст бўлиб колган экан. Шу киши ўз оиласи билан бирга аш-Шошийга эргашиб Тошкентга келган, умрининг охиригача шу ерда қолиб кетган. Каффол аш-Шоший 976 йили Тошкентда вафот этган ва шу ерда дафн этилган. Хозир Тошкентнинг халк орасида «Хастимом» деб аталадиган жой шу мўътабар зотга нисбатан айтиладиган ном «Хазрати имом»нинг кискаргани бўлади. Аслида бу жойнинг номи Хазрати Имом Каффол аш-Шошийдир. У кишининг қабрлари теғрасида Тошкентда машхур бўлган мўътабар зотлар дафн этилган.

Каффол аш-Шоший макбараси Тошкентнинг қадимий, кўзга кўринган табаррук бир қадамжоси саналади.

Ирисов А.А.